

# “O‘ZKIMYOSANOAT” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

## БУЙРУҚ

2022 йил “1” апрель

46 -сон

Тошкент шаҳри

### Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Жамиятда ва тармоқ корхоналарда мумкин бўлган қонунбузарликлар, шу жумладан, ахлоқий ва коррупция ҳақида кўйидаги алоқа каналлари орқали маълумот берилиши таъминлансин:

- ишонч (78-140-74-48) телефони орқали;
- [uzkimyosanoat@uks.uz](mailto:uzkimyosanoat@uks.uz) электрон почта орқали;
- [@uzkimyosanoatanticorbot](https://t.me/uzkimyosanoatanticorbot) телеграм бот канали орқали;
- жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл орқали;
- почта орқали: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 38;
- тўғридан-тўғри Комплаенс-назорат хизматига ([anticorruption@uks.uz](mailto:anticorruption@uks.uz) электрон почта ёки + 99871407488 телефон рақами) орқали;
- бевосита бошқарув раисига.

2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришда кўйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисоблансин:

жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

коррупцияга оид жинойтларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага қўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

4. Ишчи гуруҳ томонидан рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилсин.

5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида рағбатлантирилади:

ходимлар томонидан ўзларига нисбатан пора беришни таклиф қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

нодавлат тижорат ташкилотининг ёки давлат ташкилотининг ёхуд фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб қилган шахс ҳақида берган хабари асосида ҳуқуқбузарлик фош этилиши.

6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган ходимлар Ишчи гуруҳ ҳулосаси асосида қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти ёки совға билан рағбатлантирилсин:

коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч баравари миқдоридан;

пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк ҳақида берилган хабар учун - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваридан юз бараваригача;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларга эсдалик совға қиймати - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки бараваригача.

7. Кимё саноати тизимида қонунбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимдан тушириш, камситиш, таъқиб қилиш каби тазйиқларга йўл қўйилмасин ва тақдим этилган маълумотлар бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга уларнинг розилигисиз ошкор қилинмаслиги таъминлансин.

9. “Ўзкимёсаноат” АЖ Рўйхатга олиш ва ижро интизомини назорат қилиш бўлими (Салихов) ушбу буйруқ “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарига ўз вақтида етказилишини таъминласин.

9. Мазкур буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси



Ж. Мирзамаҳмудов